

20-Mart, 2026-yil

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ
ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШДА ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ
НОРМАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ**

Хамдамов Абдували Ахмедович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тезкор қидирув фаолияти кафедраси
профессори, юридик фанлари доктори, профессор*

Усмонов Оғабек Мирзакул ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
203-гуруҳ курсанти*

Аннотация Мақолада ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга оид хориж ҳамда миллий жиноят қонунчилиги нормаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган. Жумладан, АҚШ, Албания, Белгия, Германия, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Турманистон, Озарбайжон, Эстония, Молдова, Литва, Латвия, Украина ва Ўзбекистон жиноят кодексидаги ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли нормалари ўрганилиб, илмий асослантирилган хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлар, жиноят кодекси, қилмишининг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жиноий жавобгарлик.

Аннотация: В статье анализируется содержание и сущность норм зарубежного и национального уголовного права по уголовно-правовому обеспечению оперативно-розыскной деятельности органы внутренних дел. В частности, были изучены нормы Уголовного кодекса США, Албания, Бельгия, Германия, Россия, Беларусь, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркестан, Азербайджан, Эстония, Молдова, Литва, Латвия, Украина и Узбекистан, касающиеся оперативно-розыскной деятельности органы внутренних дел, сделаны научно обоснованные выводы.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, уголовный кодекс, обстоятельства, исключющие преступность деяния, уголовная ответственность.

КИРИШ

Тезкор-қидирув фаолияти олдида турган вазифаларни тегишли тартибга солишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган нормалар, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ шакланган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бевосита боғлиқ бўлсада, одил судловни амалга оширишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган^[1].

Ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминланиши жиноят кодекси нормалари асосида тартибга солиниб, ушбу

нормаларни таҳлил қиламиз. Жумладан, Континентал (роман-герман) ҳуқуқ оиласига мансуб АҚШнинг қонун ижодкорлиги тажрибасидан шу маълум бўлдики, тезкор ходимларнинг жиноятни аниқлаш ҳамда фош этиш билан боғлиқ жиноят қонунчилигида “сохта иштирокчилик институти” мукамал ривожланган бўлиб, ушбу институт асосида жиноятда сохта иштирок этган тезкор ходимлар жиноий жавобгарликдан озод этилади. Демак, АҚШ жиноят қонунчилиги ҳуқуқни қўллаш нуқтаи назаридан анча самарали ҳисобланади. Ушбу қоида РФнинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунида белгиланган бўлиб (16, 18-м)^[2] декларатив хусусиятга эга. Жиноят кодексининг 1-моддасида қайд этилган қонунчилик позицияси туфайли ушбу қоида бутунлайин бекор қилинган.

Жиноятда сохта иштирокчилик масаласи охири зарурат нуқтаи назаридан қонунчилик томонидан тартибга солинган деб хулоса қилиш мумкин. Ушбу ҳолат фақат презумция масаласига тегишли бўлганлиги сабабли расмий қонунчилик томонидан тартибга солинмаганлиги суд амалиётида яқдилликнинг йўқлиги, қонунни шарҳлашда ҳар хиллик, тезкор-қидирув фаолияти, дастлабки терговда, қолаверса ТҚФ фаолиятини прокурор томонидан назоратини амалга оширишда маълум муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, АҚШда тезкор-қидирув фаолияти жиноят процессидан институционал жиҳатдан ажратилмаган, шу боис АҚШ жиноят қонунида назарда тутилган терговга тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида тезкор-қидирув фаолиятининг сифатига тўсқинлик қилиш деб ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамай, АҚШнинг ҳам федерал, ҳам минтақавий жиноят қонунчилиги жиноий жараённинг махфий томонини ҳимоя қилишни таъминлашга мўлжалланган тегишли дефинитив аппаратга эга нормаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, турли штатларда тезкор-қидирув фаолиятини махсус ҳимоя қилишни турли нормалардан иборат комплекс чора-тадбирлари яъни, ўтказилган махфий тезкор-қидирув тадбири доирасида ходим жиноят содир этса, уни мақоми нуқтаи назаридан турли нормалар комплекс чоралари қўлланилади. Масалан, ходим мансабдор шахс ҳисобланувчи ниқоб остидаги агент^[3] (ингл. undercover agent) ёки махфий хабарчи^[4] (ингл. classified informant) ёки хабар берувчи (ингл. informer)^[5] бўлиши мумкин. Ниқоб остидаги агент бу – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг мансабдор шахси, масалан, полиция ходими бўлиши мумкин, агар у, жиноий муҳитга кириш жараёнида жиноят содир этганда, уни жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи малакали иммунитет ҳуқуқи билан таъминланади.

Шу нуқтаи назардан мазкур ҳолатда ходим томонидан дискрецион ваколатларини суистеъмол қилишнинг олдини олишни кафолатловчи рухсат этилган қоидадан четга чиқиш чегаралари жиноят қонунчилигида қандай белгиланган деган савол туғилади. Ушбу масала, АҚШ қонунчилигида қуйидагича акс этирилган, яъни унда “ўзгача ноқонуний фаолият” институти (ингл. otherwise illegal activity)^[6] амал қилиб, у ўз навбатида иккита даражага бўлинади (ингл. tier 1 – рухсат этилган қоидадан четга

чиқишнинг энг юқори даражаси бўлиб, бунга федерал прокурорнинг рухсати талаб қилинади, ва tier 2 – одил судлов департаментларининг бирига бўйсунувчи хизматлардан бирига бўйсунувчи агентнинг санкцияси талаб қилинади)^[7]. Айрим ҳолларда аниқ турдаги жиноятларни фош қилиш учун яширин агентни жиноят муҳитига киритиш учун федерал прокурор ёки департамент ходимининг санкцияси талаб қилинади. Ушбу ҳолларда яширин агентнинг малакали дахлсизлиги қонунда қўлланилади. Мисол учун, АҚШ жиноят қонунчилигининг шарҳида таъкидланишича, муайян жиноят учун бажарувчи, ижрочи бўлиб жавобгарликка тортилмаган шахс (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг махфий ходими) жиноятда иштирокчи ҳисобланмайди^[8].

АҚШ минтақавий жиноят қонунчилигида ушбу масалага жиддий ёндашув мавжуд бўлиб, унга кўра баъзи штат (Миссури, Алабама, Аризона, Делавэр, Луизиана, Кентукки, Нью-Гемпшир, Небраска)ларда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида “давлат мажбуриятини адо этиш” атамаси қўлланилиб, унга кўра, агар мансабдор шахс ёки унинг буйруғи билан ёхуд суднинг рухсати билан амал қилган бошқа шахс жиноят содир этадиган бўлса, бу хизмат вазифаларини бажаришда юзага келган ҳолат сифатида талқин қилинади.

АҚШнинг ҳар бир штатида, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ноанъанавий махсус қоидалар ҳам мавжуд, масалан, Канзас штатининг жиноят қонунчилигида “агар шахснинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари давлат мансабдор шахси ёки унинг агенти томонидан суд томонидан бундай шахсни жиноий таъқиб қилиш учун сўралган бўлса, у жиноят содир этишда айбдор эмас деб топилади”^[9] мазмунидаги қоидалар мустаҳкамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ ва унинг баъзи штатлари жиноят қонунчилигида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ноошкора қўмаклашган шахс(гувоҳ ёки жабрланувчи)ларни хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар белгиланган. Масалан, АҚШ кодексига кўра, гувоҳ, жабрланувчилар ёки маълумот берувчига нисбатан жиноий ҳаракатлар учун тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган(1512-м)^[10]. Шунингдек, хабар берувчи Миссисипи штати кодексига кўра, маълумот берган шахс бир вақтнинг ўзида жабрланувчи ҳисобланиб, унга қарши қилинган жиноят оғир қилмиш деб баҳоланади (97-9-127-бўлими)^[11]. Небраска штатининг жиноят қонунчилигига кўра, гувоҳ ёки хабар берувчининг фаолиятига ноқонуний аралаштириш жиноят деб ҳисобланади (28-919-бўлими)^[12].

Шимолий Дакота жиноят қонунчилигида хабар берувчининг иши ёки ноошкора тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ҳалақит берганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалари белгиланган. Жумладан, суд жараёнида гувоҳ ёки маълумот берувчининг ишига тўсқинлик қилиш; жиноий ишлар бўйича тергов жараёнида маълумот берувчиларга таҳдид ва зўравонликлар қилиниши (12.1-боб)^[13] шулар жумласидандир.

Албания жиноят қонунчилигида “агар шахс қонун ёки ўз хизмат вазифаларини бажариш учун ҳаракат қилган бўлса, у жинойий жавобгарликка тортилмаслиги”(21-м); “одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилангани”(301-м); “жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан топилишига йўл қўймаслик учун уни ҳаёт учун зарур воситалар билан таъминлаш орқали унга ёрдам бериш, шу билан қидирув ишларини ташкил этишга тўсқинлик қилиш”(302-м)^[14] учун жавобгарлик назарда тутилиши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ва уларга кўмаклашувчи шахсларга ҳам жавобгарлик ҳам масъулият юклайди.

Белгия жинойий қонунчилигида ҳам тезкор-қидирув фаолияти соҳасини жинойий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи нормаларида “қонун ёки ҳокимият буйруғи билан содир этилган ҳаракат жиноят деб баҳоланмас-лиги”(50-м)^[15] мазмунидаги қоидаларнинг белгиланганлиги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун доирасида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинганлигини англатади.

Германия жиноят қонунчилигида полиция ходимлари томонидан яширин операцияларни амалга оширишда охириги зарурат масалаларини ҳал қилишда ниқобланган операцияларни ўтказишда қонуний зарар етказиш мазмунида (110а-м)^[16] нормалар белгилангани тезкор-қидирув фаолиятини жинойий-ҳуқуқий таъминланганлигини далолат беради.

Тезкор-қидирув фаолиятини жинойий-ҳуқуқий таъминлаш масаласида МДХга аъзо давлатларнинг қонунчилик тажрибаси хилма-хил бўлиб, биринчи навбатда 1996 йил 17 февралда қабул қилинган МДХга аъзо давлатларни Ҳамдўстлик давлатлари учун Парламентлараро Ассамблеясининг намунавий жиноят кодексида қонунни ижро этиш каби қилмишнинг жиноят эканлигини истисно қилувчи нормалар (44-м)^[17] билан тартига солингани тезкор-қидирув фаолиятини жинойий-ҳуқуқий таъминлашда ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

Россия жиноят қонунчилигининг тезкор-қидирув фаолиятини жинойий-ҳуқуқий таъминлаш борасида В.Михайлов, А.В.Савинов, Ю.В.Пахроменко, С.В. Куликова^[18,19,20,21] мутахассислар томонидан турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, тезкор-қидирув фаолиятини жинойий-ҳуқуқий таъминлашда энг аввало, давлат органи ходими ва фуқароларнинг қонуний манфатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир нормаларни қабул қилиш ҳақидаги фикрларни илгари суришган.

Россия Федерацияси жиноят кодексининг тезкор-қидирув фаолиятига доир нормалари одил судловни амалга оширишга хизмат қилиб, дастлабки терговнинг далиллар базасининг ҳажми ва сифати, жиноят ишини юритиш босқичлари, шунингдек, прокуратура органларининг фаолиятини самарали амалга оширилиши учун тезкор-қидирув фаолияти жиноят-процессуал қонунчилиги талабалари асосида ташкил этилишини талаб этади (31-боби). Шу боис, ТҚФ фаолияти моддий ҳуқуқни, яъни жиноят қонуни нормаларини амалда қўллаш учун мўлжалланган жиноят процесси

билан бевосита боғлиқ-дир. Бирок, кўриб чиқиладиган масалани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жиноят қонуни, фақат процессуал механизмга қўйиладиган ноқонуний тўсиқлардан ҳимоя қилади (294-м). Россия Федерациясининг жиноят қонунчилиги нормалари дастлабки тергов ёки суд жараёнини ўтказиш билан боғлиқ ҳолда шаклланган жамоат муносабатлари ҳимоя қилинишига қарамасдан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бевосита ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас. Фақатгина, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида одил судлов манфаатларини жиной-хуқуқий ҳимоя қилиш масаласига бағишланган норма мавжуд бўлиб (303-м)^[22], ушбу норма тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш жараёнини жиноят-процессуал қонунчилиги асосида амалга оширишни назарда тутмайди. Бизнинг фикримизча, дастлабки терговда тезкор-қидирув фаолиятини самарали таъминлаш учун биринчи навбатда жиноят-хуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи нормалар жиноят қонунчилигида бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Боиси, ҳуқуқий нуқтаи назардан олганда суриштирувчини дастлабки иш фаолияти тезкор-қидирув фаолияти билан бевосита алоқадор бўлсагина, одил судлов самарали таъминланишига эришилади.

Беларусь жиноят қонунчилигида “махсус топшириқ бўйича жиноят шериклари қаторида бўлиши, агарда ушбу қоида жиноятнинг олдини олиш, фош этиш ёки уни бартараф қилиш бўйича махсус топшириқни бажарган ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг бошқа иштирокчилари билан бирга ҳаракат қилган, жиноят содир этишга мажбур бўлган шахс, агар унинг қилмиши шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилишдан иборат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга сабаб бўлмаса ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди ва жиной-жавобгарликка тортилмайди” (38-м); “қилмишнинг жинойилигини истисно қиладиган ҳолатлар (охирги зарурат, буйруқ ёки махсус топшириқни бажариш, таваккалчилик)нинг шартларидан четга чиққан ҳолда жиноятни фош этишга фаол ёрдам берган ва унинг ҳаракатларида енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлганида жавобгарликдан озод этилиши”(63-м)^[23] мазмунида қоидаларнинг назарда тутилгани, тезкор-қидирув фаолиятини жиной-хуқуқий таъминлаш борасида аниқ ҳуқуқий механизмлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қозоғистон жиноят қонунчилиги Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси жиноят қонунчилигидан мазмунан бироз фарқ қилиб, тезкорқидирув фаолиятини таъминлашга мўлжалланган жиной-хуқуқий нормалар мавжуд. Хусусан, “тезкор-қидирув тадбирларини ёки ноошкора тергов ҳаракатларини амалга ошириш” (35-м) номли нормасида “ушбу кодекс билан кўрикланадиган манфаатларга зарар етказган қилмиш, агар бу ҳаракат ваколатли давлат ходими томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ёки яширин тергов ҳаракатлари ўтказилётганда содир этилган бўлса, жиноят ҳисобланмаслиги^[24]; шунингдек, Қозоғистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига биноан давлат органи билан ҳамкорлик қилувчи шахс томонидан, агар бу ҳаракат бир гуруҳ шахслар, жиной гуруҳ томонидан содир этилган жиной-хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош қилиш ёки бартараф қилиш мақсадида содир этилган бўлса, шунингдек, агар қонун билан ҳимояланган

20-Mart, 2026-yil

манфаатларга етказилган зарар кўрсатилган жиноятлар натижасида етказилган зарардан унчалик катта бўлмаган бўлса, шунингдек, агар уларнинг олдини олиш, фош этиш ёки бартараф қилиш, жиноий ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор шахсларни фош этишдан бошқа йўл билан амалга оширилиши мумкин бўлмаса, содир этилган қилмиш жиноят деб ҳисобланмайди^[25]. Фақат тезкор-қидирув тадбирларини ташкиллаштирган мансабдор шахс ва унда иштирок этган фуқаролар, шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид соладиган ҳатти-харакатлар содир этилганлиги, экологик офат ёки ижтимоий фалокати содир бўлган ёки бошқа оғир оқибатлар юзага келган ҳолатларга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Қирғизистон жиноят кодексига тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга доир зарурий муҳофаа (46-м); охири зарурат (47-м); жиноят содир этган шахсни ушлаш (49-м); лавозими билан боғлиқ мажбурият, фамойишни қонун талабини ижро этиш (50-м); асосли таваккалчилик (51-м); махсус топшириқни бажариш (52-м); давлат сирларини ошкор қилиш (333-м); давлат сирларини ўз ичига олган маълумот ташувчиларни йўқолиши (334-); хизмат сирини ташкил этувчи расмий маълумотларни чет элга юбориш учун йиғиш (335-м); тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходими томонидан тезкор-қидирув тадбирларини, уларнинг баённомаларини ёки уларга илова қилинган ҳужжатларни сохталаштириш (361-м)^[26] каби нормаларнинг назарда тутилгани ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ва уларга кўмаклашувчи шахслар томонидан тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этишда юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар бўйича қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилаб беради.

Тожикистон жиноят кодексига тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга доир зарурий муҳофаа (40-м); ижтимоий хавfli қилмишни содир шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (41-м); охири зарурат (42-м); асосли таваккалчилик (44-м); бўйруқ ёки фармойишни ижро этиш (45-м); давлат сирларини ошкор қилиш (311-м); давлат сирларини ўз ичига олган маълумот ташувчиларни йўқолиши (312-м)^[27] каби нормаларнинг белгилангани ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари хизмат фаолиятини масъулият билан ташкил этишни тақозо этади.

Туркманистон жиноят кодексига тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга тааллуқли нормалар, булар: зарурий муҳофаа (37-м); ижтимоий хавfli қилмишни содир шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (38-м); охири зарурат (39-м); асосли таваккалчилик (41-м); бўйруқни ижро этиш (42-м); давлат сирларини ноқонуний йўллар билан олиш, уларни ошкор қилиш ва тарқатиш (179-м); давлат сирларини ўз ичига олган нарса ва ҳужжатларни йўқотиш (18-м)^[28] каби нормаларнинг белгилангани ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари хизмат фаолиятини масъулият билан ташкил этишни тақозо этади.

Озарбайжон Республикаси жиноят кодексига тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга оид қуйидаги: зарурий муҳофаа (36-м), ижтимоий

хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (37-м), охири зарурат (38-м), асослик таваккалчилик (39-м); буйруқ ёки бошқа фармойишни ижро этиш (40-м) каби нормалар қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида баҳоланиб, жиноят ҳисобланмаслиги; алоқа муассасалари мансабдор шахслари томонидан тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни таъминламаслик (233³-м); давлат сирларини ошкор қилиш (284-м); давлат сирини ташкил этувчи маълумоларни ноқонуний эгаллаш (284¹-м); давлат сирларини ўз ичига олган ҳужжатларни йўқотиш (285-м); судья, прокурор, терговчи, суриштирув ва тезкорқидирув фаолиятини амалга оширувчи органларининг хавфсизлик чоралари тўғрисидаги ахборот ларини ошкор қилиш (301-м 1-қ); ваколат бўлмаган шахслар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, ваколатли шахслар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини қонунда назарда тутилган асосларсиз амалга ошириш (302-м 1-қ.)^[29] каби нормалар белгилангани тезкорқидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Эстония Республикаси жиноят кодексида ноқонуний тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ва яширин маълумотларни йиғиш (315-м); жиноят иши ва тезкор-қидирув жараёни бўйича судга қадар текширув билан боғлиқ ишлар ҳақида маълумотларини ноқонуний ошкор қилиш (316-м)^[30] учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу нормаларнинг мазмунида “ноқонуний тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш; ноқонуний махфий маълумотларни йиғиш; ахборотни ноқонуний яшириш ёки йўқ қилиш” қоидалар ўз аксини топган.

Молдова Республикаси жиноят кодексида тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга оид қуйидаги: зарурий мудофаа (36-м), жиноятчини қўлга олиш вақтида зарар етказиш (37-м), охири зарурат (38-м), асослик таваккалчилик (40-м); бошлиқнинг буйруғи ёки фармойишни ижро этиш (40¹-м); каби нормалар қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар ҳисобланиши; давлат сирларини ошкор қилиш (344-м); давлат сирларини ўз ичига олган ҳужжатларни йўқотиш (345-м)^[31] каби қоидаларнинг белгилангани тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашда асос ҳисобланади.

Литва Республикаси жиноят кодексида судга қадар иш юритишда дастлабки тергов маълумотларини руҳсатсиз ошкор қилиш (247-м); жиноят иши ва дастлабки тергов бўйича судгача бўлган процессуал маълумотларни ноқонуний ошкор қилганлик (316-м) учун жиноий жавобгарлик масалалари тартибга солинган бўлиб, ушбу қонунчиликда жиноятни тергов қилишда тезкорқидирув маълумотларини ошкор қилиш учун жавобгарлик эътибордан четда қолган. Шунингдек, Литва жиноят қонунчилигида давлат сирларини ошкор қилиш (125-м); давлат сирларини йўқотиш (126-м); хизмат сирларни ошкор қилиш (297-м)^[32] каби нормалар белгиланган бўлиб, назаримизда ушбу соҳада жавобгарликни белгилашда такрорланиш ёки тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Литва Республикасининг жиноят қонунчилиги нормалари РФнинг жиноят қонунчилигининг нормаларига бироз ўхшайди, чунки тезкор-қидирув фаолияти

маълумотлари фақат бошқа, умумлашган, жиноят таркибининг предмети бўлиши мумкин, деган хулосалар чиқаришга имкон беради.

Латвия жиноят қонунчилигида тезкор-қидирув фаолияти жараёнида юзага келадиган қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлиб, буларга: касбий вазифаларни бажариш (30-м); раҳбарнинг топшириғини бажариш (33-м); хўжалик ёки касбий таваккалчилик (34-м)^[33] ни мисол келтириш мумкин. Латвия Республикаси жиноят кодексида раҳбарнинг топшириғини бажариш қонунчилигининг тезкор-қидирув фаолияти институти (32-м) билан масалан, тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш ёки назорат остида олиш каби тактик тадбирлар билан ўзаро алоқадорлигига ишора қилади. Кўрсатилган ҳолат қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади: 1) агар шахс жиноий қилмишга тақлид қилишга мувофиқ бироқ қонун талабидан четга чиқмаган ҳолда ҳаракат қилганида, жиноий жавобгарликка тортилмайди; 2) агар шахс жиноий жамоа, уюшган гуруҳ фаолиятида иштирок этган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа қонуний топшириғини бажараётганда унинг қилмиши ушбу вазифа доирасидан чиқмаганида, жиноий жавобгарликка тортилмайди; 3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириғини бажариш учун зарур бўлган чегаралардан четга чиқилган тақдирда, шахс енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (59-м)^[34].

Шунингдек, Латвия жиноят қонунчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезкор фаолият субъектлари ҳисобланиб, уюшган гуруҳ таркибда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларда жиноят содир этганида жавобгарликка тортилмаслиги, агарда гуруҳ таркибида одам ўлдиришда иштирок этганида, унинг ҳаракатларида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бўлганида ҳам жавобгарликдан озод этилмаслиги (249-м) каби қоидалар белгиланган.

В. Михайлов фикрича: “касбий вазифаларни бажариш тезкор-қидирув фаолият вазифаларини таъминлаш учун шахс қилмиши қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларга зид бўлмаса ҳамда ўзига берилган ваколатлардан четга чиқмаса, ўз касбий вазифаларини бажариш жараёнида зарар етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаслигини англатади”^[35] деб таъкидлайди. Шу боисдан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи томонидан касбий бурчни бажариш ёки топшириқни бажариш қонунийлиги шартлари бузилган тақдирда жиноят содир этилганда жавобгарлик юзага келади, бироқ бу енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Украина жиноят қонунчилигида “уюшган гуруҳ ёки жиноий тузилмаларнинг фаолиятини олдини олиш, фош қилиш бўйича махсус топшириқни бажариш каби қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар” (43-м) экани назарда тутилган бўлиб, ушбу қоидага кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус вазифаларни бажарувчи, шу орқали уюшган гуруҳлар ёки жиноий ташкилотларга аъзо бўлган шахслар томонидан кўриқланадиган манфаатларга мажбуран зарар етказиш ҳолатлари,

агар бу иштирок этиш белгиланган тартибда жиноий ҳаракатларининг олдини олиш ёки фош қилиш мақсадида амалга оширилган бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда давлат сирини ҳимоя қилиш, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ нормаларни Украина ва Россия жиноят қонунчилиги мисолида таҳлил қилинганида қуйидагилар: Украина жиноят қонунчилигида давлат сирини ошкор қилиш (328); ҳимояга олинган шахсга нисбатан хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш (381-м); тезкор-қидирув фаолияти, дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (387-м) каби ҳолатлар бўйича жавобгарлик белгиланган бўлса, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида давлат сирларини ошкор қилиш (283-м); дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (310-м); судьяга ва жиноий процессини иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари тўғрисида маълумотларни ошкор қилиш (311-м)^[36] каби қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Таҳлилдан шу маълум бўлдики, тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашда тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда, тергов ва суд жараёнида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида жиноий қилмишлар ҳолатдан келиб чиққан ҳолда фарқланган.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлашга оид қуйидаги: зарурий мудофаа (37-м), охирги зарурат (38-м), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-м), буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (40-м) каби нормалар қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида баҳоланиб, жиноят ҳисобланмаслиги; зарурий мудофааанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказилиги (55-м) енгиллаштирувчи ҳолат эканлиги; давлат сирларини ошкор қилиш (162-м); давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (163-м) ҳолатлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда; далил-ларни сохталаштириш, қалбакилаштириш (230¹-м); тезкорқидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш, қалбакилаштириш (230²-м)^[37] каби ҳолатлар терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суд жараёнида аниқланганда айбдор шахслар жавобгарликка тортилишини англатади.

Ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини жиноий-ҳуқуқий таъминлаш борасида хориж давлатларининг ва миллий жиноят қонунчилиги нормаларини таҳлил қилиш асосида *биринчидан*, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ва уларга кўмаклашаётган шахслар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганида жавобгарликка тортилмасликлари; *иккинчидан*, бошқа турдаги жиноий фаолият институтининг мавжудлиги; *учинчидан*, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектларни таснифланишига кўра малакали иммунитет ҳуқуқи билан таъминланганлиги; *тўртинчидан*, ҳимоя институтининг таъминланганлиги; *бешинчидан*, енгиллаштирувчи

ҳолатнинг мавжудлиги; *олтинчидан*, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичида тезкорқидирув тадбирларини ташкил этган ва ўтказган мансабдор шахслар ва унда иштирок этган фуқароларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартларига, жинойт-процессуал қонунчиликда назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаганида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарлик тортилишига доир нормаларининг мавжудлиги ҳақида ҳулосага келиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисида “*Бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади*” мазмунида қоида белгиланган бўлиб, амалиётда шу каби тақиқ бузилганда жинойт кодекси нормасида жавобгарлик белгиланмаган. Ушбу масалада илғор хориж тажрибаси ўрганилганда Озарбайжон жинойт кодексининг 302-моддаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” деб номланиб, шундай ҳолат аниқланганда айбдор шахслар жавобгарликка тортилади. Бизнинг жинойт қонунчилигида бундай норма мавжуд эмас яъни, 7 та ваколатли давлат органларидан ташқари бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланиши ёки ваколатли давлат органлари ходимлари ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган 7 та асослар бўлмаган ҳолатларда ҳам тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилганда, ушбу ҳаракат учун жинойт қонунчилигида жавобгарлик белгиланмагани, ҳозирда ушбу масалада жинойт қонунчилигида ҳуқуқий бўшлиқ борлигини кўрсатмоқда. Ушбу бўшлиқни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексини қуйидаги таҳрирда: “**230³-модда.** Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузиш.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган давлат органи мансабдор шахси, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш натижасида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши, – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган давлат органи мансабдор шахси томонидан қонуний асослар бўлмаган ҳолларда тезкорқидирув тадбирларини амалга ошириши, – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан уч юз баравари-гача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” мазмунида янги норма билан тўлдириш лозим.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органларида тезкорқидирув фаолиятини жиний-ҳуқуқий таъминланиши, тезкор-қидирув фаолияти иштирокчилари (тезкор бўлинмалар ходимлари, кўмаклашувчи шахслар ва бошқ.)ни тезкор-қидирув тадбирлари давомида ҳатти-ҳаракат-ларига қонун доирасида баҳо

“O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS VA INNOVATSION JARAYONLAR JURNALI”

20-Mart, 2026-yil

берилишига, шунингдек, ижтимоий-хавфли қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англашга, ўрганишга ёрдам беради.

REFERENCES:

1. Ивенин *В.О.* Об уголовно-правовом обеспечении оперативно-розыскной деятельности в зарубежном законодательстве // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева № 2, том 1, 2018. С.163-174.
2. Федеральный закон от 12.08.1995 N 144-ФЗ (ред. от 28.06.2022) «Об оперативно-розыскной деятельности» // <https://legalacts.ru/> com (мурожаат вақти: 06.12.2022).
3. Code of Federal Regulations: Title 38. Chapter I, Section 1.460. [Электронный ресурс].: [https:// www.law. Cornell.edu/cfr/text/38/1.460](https://www.law.cornell.edu/cfr/text/38/1.460) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
4. US Attorney General (n.d.). The Attorney General’s Guidelines Regarding the Use of Confidential Informants. As of 3 February 2015. [Электронный ресурс]. URL: [http:// www.fas.org/irp/ agency/ doi/fbi/ dojguidelines.pdf](http://www.fas.org/irp/agency/doi/fbi/dojguidelines.pdf) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
5. Confidential Informant Accountability Act of 2017: A BILL To require Federal law enforcement agencies to report to Congress serious crimes, authorized as well as unauthorized, committed by their confidential informants // H.R.1857 – 115th Congress (2017-2018) 1st Session April 3, 2017 [Электронный ресурс]. URL: [http:// www. congress.gov/bill/ congress/ house-bill/1857/](http://www.congress.gov/bill/congress/house-bill/1857/) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
6. Participation in Otherwise Illegal Activity by Undercover Employees: The Attorney General Guidelines on Federal Bureau of Investigation Undercover. С.331 [Электронный ресурс]. URL: [https:// valt.fbi.gov/ FBI](https://valt.fbi.gov/FBI) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
7. The Attorney General’s Guidelines Regarding the Use of Confidential informants, part B, section 1 // Office if the Attorney General. Washington, D.C. No. 20530 [Электронный ресурс]. URL: [http:// www. justia. com /bill/criminal/docs/use-ofconfidential- informants-guidelines](http://www.justia.com/bill/criminal/docs/use-ofconfidential-informants-guidelines) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
9. Nebraska Revised Statutes, 2016 Edition, Chapter 28 – crimes and punishments 28-919 Tampering with witness or informant; jury tampering; penalty. [Электронный ресурс] [https://law. justia.com/ codes/ nebraska/ 2016/chapter-28](https://law.justia.com/codes/nebraska/2016/chapter-28) (мурожаат вақти: 06.12.2022).
10. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть : учебник для бакалавриата и магистратуры / Под ред. А. В. Наумова, А. Г. Кибальника. — М. :Издательство Юрайт, 2018. — 285 с. — (Серия: Бакалавр и магистр. Академический курс).
11. <https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/details/56> (мурожаат вақти: 06.12.2022).

20-Mart, 2026-yil

12. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (2016) (French version).
[Электронный ресурс] <https://www.mondaq.com/crime/1099826/new-criminalcode-in-belgium-what-corporates-should-expect>(мурожаат вақти: 06.12.2022).